

тайинланганлиги муносабат
билан уки табриклади.
Непал бош вазири жаво
телеграммасида қутлаганли
учун ташаккур изҳор қилди.
(ТАСС)

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

В. И. Ленин номи Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени Глухово ил-газлама комбинати коллективининг ташаббуси билан қайта дунёга келган «Минглар шартномаси» мусобақа ҳаракати бошланганига кини йил бўляпти. Шу давр ичда 100 минглаб ишчилар, коллективлар шу мусобақага қўшилдилар. Мамлакатимиз тўқимачилари бошлаган ҳаракатини толачилар, машинасозлар, пахтакорлар ва химчилар ҳам қўллаб-қувватладилар. Чунинг газламанинг чидамли ва ёқимтой бўлиши биргина тўқувчи бўлиб қолмади. У пахтакор қандай пахта беришига, пахта тозаловчилар ундан қандай тола ажратиб олишларига, кимёгарлар қандай серишмо бўлишларига ва нисбатан машинасозлар, тўқувчилар ва пахта толовчилар учун қанчалик мукаммал машина-ускуналар тайёрлаб беришларига боғлиқ.

«Минглар шартномаси» халқ ҳўжалигимизнинг жуда кўплаб тармоқларида кенг илдириб отаётди. Тўқувчилар, машинасозлар, пахтакорлар, толачилар, кимёгарлар соғига тикувчилар, чармчилар, пойфазалчилар каби яна қатор соҳа ишчилари ҳам қўшилди. Истагиди эканликларини назор этмоқдалар. Улар социалистик мусобақани янада қизитиб, тўқимачилик беш йиллик план-топшириқларини муддатидан илгари урдадлашга, куч ва маблағларини кам сарфлаган ҳолда кўпроқ аҳоли сифатли маҳсулот таъёрлаб беришга аҳд қилмоқдалар. Мусобақанинг амалии ва иқидий формаси бўлган «Минглар шартномаси»да ақтия иштирок этмоқдалар. Мусобақа туғилгандан буён улкан муваффақиятлар қўлга киритилди, катта ўзгаришлар юз берди. Бир-бирига алоқадор бўлган юзлаб корхоналарнинг коллективлари янада яқинлаштириб дўстлаштирди. Ҳамкорлигини кучайтирди. Бир мақсад қўлида меҳнат қилётган кўпгина тармоқ ишчиларини ягона мусобақа байроғи остига тўлдирди.

Эндилди, шартномалар тузиб мусобақалашки ҳаракати бир республика лиқсидан чиқиб, бошқа республикалар территориясига ҳам йўналишмоқда. Тожикистон, Қирғизистон тўқувчилари билан Ўзбекистон тўқимачилари ўртасида тарақий этиб бораётган ўзаро мусобақа ва ҳамкорликлар бунинг ёрқин ифодасидир.

Биз ўшбу саҳифаларимизда «Минглар шартномаси» илдириб отаётган жойларда эришилётган ютуқлар, мусобақа келтираётган катта шарофат, зимида олган юксак мажбуриятларини ортиқ билан бажаришда унинг қимматли роли ҳақида ҳикоя қиламиз.

ЯНГИ КОРХОНА

«Совет Ўзбекистони»нинг Ма-тонна пилани қайта ишлаш ва манган область мухбири О. Жума-220 тонна хом ипак таъёрлаш назарда ҳабар қилади: қуватига эга. Корхонанинг шир-
— Область саноат тармоқлари моатдор коллективини дастлабки соғига яна бир корхона қўшилди, кунлардан бошлабон «Минглар Шайхараги ипак газламалар дом-шартномаси» мусобақасига қўшил-
— бинати ҳошида янги пиллақаш-яно, маҳсулот сифатини ошириш-
лик фабрикаси қурилиб, давлат га ҳаракат қилмоқда. Бу йўлда
комиссияс томонидан қабул ил-хши натижалар қўлга киритила-
либ олинди. Корхона йилига 700 ётар.



Суратларда: (оқордан) 1. Болалар учун пойфазаллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган Янгийўл пойфазал фабрикасининг фидокарлари Меликузи Топилов ва Салима Мирзоева ўртоқлар маҳсулот сифатини кўздан кечиряпти. Улар ҳал қилувчи йил топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилди, смена топшириқларини муттасил ошириб бажаришмоқда. 2. Тошкент трикотаж фабрикасининг илгор ишчиси Нури Эргашева. Бу меҳнатсевар қиз корхонада беш йилдан бери ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. Топшириқларини ҳаминча 120 процентдан адо этаётди.

И. Глауберзон фотолари.

„МИНГЛАР ШАРТНОМАСИ“

БЕБАҲО ҲАЗИНА

Ваҳоб УСМОНОВ,
Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри

ПАХТА ТОЗАЛАШ саноати республикаимизда энг тўғич саноат тармоқларидан. У Совет ҳўжамияти йилларида беқийе камол топди. Ўзбекистон меҳнаткашларининг мардона меҳнати туфайли, пахтаини ялпи ҳосили кўтарилди боргани сари саноатимиз ўсиб, ривожланиб бораётди. Биз эндиликда 5 миллион тонналик ҳосилни қайта ишлашга қодир бўлган корхоналарга эгамиз.

Пахта — ўзбек халқининг ифтихори. Бебаҳо бойлигимиз, турмушимиз фаровонлиги шу пахтадан. Унинг ҳар бир граммини еттиштириш учун деҳқонларимиз озмунча тер тўқинмайди. Биз саноатчилар ана шу қимматбаҳо «оқ олтин»ни қайта ишлаб, тўқимачиларга сифатли тола етказиб берамиз. Тола—газлама нинг асоси. Энг аввало, тола сифатли бўлиши керак. Чунки, у қанчалик беямик-қўст, сифатли бўлса тўқиб чиқарилаётган газламалар ҳам шунча чидамли ва кўркам бўлади. Мамлакатимиз тўқимачиларининг биздан талаби ҳам, илтимоси ҳам шу.

Глухово тўқимачилик комбинати ишчилари бошлаб берган «Минглар шартномаси» мусобақаси асосан ана шундай мақсадларни кўзда тутди. Тўқимачилар тўқимачилик беш йиллик план-топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун, аҳолига кўплаб сифатли газламалар етказиб бериш учун ана шундай қудратли мусобақани бошлаб беришди. Бу мусобақага қўшилган Россия, Украина, Беларусия тўқимачилари бизга мурожаат қилиб, тола сифатини янада яхшилашни талаб этишди. Уларнинг талаби жуда ўринли эди. Биз тўқимачиларнинг атакларларини қақирғига қўшилди, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берадиган резервларимизни, имкониятларимизни ишга солишга ҳаракат қилиб келдик ва ҳаракат қилмоқдамиз.

Беш йиллик охирига қадар корхоналаримиздан қўлда бажарилаётган ишларни кескин қамайтириш ва уларни механизациялаш даражасини илгари бавар кўтаришга аҳд қилдик. Зиммамизда, асосан пахтаини ифлослаштириш қамайтириш билан бирга меҳнат унумдорлигини кескин ошириш вазифаси ту-рибди. Машинасозлар ва конструкторлар билан ҳамкорлигини янада кўчаттириб мукаммал пахта тозалаш машиналари яратиб, навбоду машиналарини модернизация қилиш, қувватини оширишимиз лозим. Тўқимачилик беш йилликда 20 хилдан ортиқ янги машина ва ускуналарини яратимиз, уларни корхоналаримизда жорий этишимиз даркор. Ана шу давр ичда 60 та қўриқ-тозалаш цехлари, 21 та янги пахта тозалаш заводлари ишга туширилиши белгиланган.

«Минглар шартномаси» — пахта тозалаш саноати корхоналаримиз коллективлари учун тола сифатини оширишда, меҳнат унумдорлигини юқори кўтаришда, ички резервларини ишга солишда, қўл кучига асосланган иш жараёналарини механизациялаштириш ва автоматлаштиришда бебаҳо ҳазина вазифасини ўтаётди. Бу шундай ҳазинаки, унинг келтириётган нафтини бир сўз билан ифода қилиш мумкин эмас.

БВАЛО шунинг айтиш керакки, бу қудратли мусобақа маҳсулотларимиз сифатини яхшилашга бўлган маъмулоти ва айтибори кучайтирди. Техника тараққий-тини ўстиришда катта роль ўйнади. Аниқсиз, шартнома катнашчиларининг бу борадаги эътирозлари фойдала бўлди. Толачиларимизга катта сабоқ бўлди. Алоқадор корхоналар билан баҳамлиқат ишлаш мусобақа байроғини баланд кўтаришга, корхоналаримиз ўртасида

ўзаро борди-кечди йўлга қўйишга, муҳим масалаларни ечишда катта аҳамиятга эга бўлди. У ютуқларимизни кўпайтирди. «Минглар шартномаси» ҳаракатига қўшилди жуда кўпгина ишчилар. Бу мусобақа бизни асоси ускуналар ўринини янги тақомиллашган ускуналар билан тўлдирди, янги техника ва илгор технология ютуқлари асосида иш кўриш кераклигини кўрсатди. Шартномалашиб, мусобақалашиб бизга катта шарофат келтирди. Бунинг учун ташаббускор тўқимачиларимиздан, аниқсиз явановолик дўстларимиздан беҳад миннатдорим.

Ҳозирги кунда республикамиз мамлакатимизда еттиштирилган жами «оқ олтин»нинг 70 процентини ишлаб чиқармоқда. Юбилей йилида она-Батанимиз Ўзбекистон пахтакорларидан 4 миллион 710 минг тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди. Бу ҳазилдам ҳосил эмас, ана шунча пахтаини қайта ишлаб, тола ва момиққа ажратиб тўқимачилик корхоналарига узатди. Республикаимизда 1975 йилда келиб, 5 миллион тонналик энг пахта еттиштирилади. Унинг 70 проценти аса «зангори нема»ларда терилди. Беш йиллик охирига бориб пахта заводларимиз қуввати 5,7 миллион тоннага етказилди.

Шинжаоткор саноат корхоналаримизнинг коллективлари беш йилликнинг ўтган йили йилида пландан ташқари 322 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишди. Қўшимча 103 минг тонна тола ишлаб чиқарилиди. Йилга 3,4 миллион сўм фойда берадиган 3 мингдан энг рационалларини тақдирлар жорий этилди. Ҳал қилувчи йилда қўлга киритган газламаларимиз бундан ҳам юксак бўлаётди. Шу йилнинг ўтган олти ойида планга қўшимча 34 минг тонна тола ишлаб чиқарилиди. Планга қўшимча 80 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот танари 28,9 миллион сўмга камайди. Текалган қомаше ҳисобига 5 минг тонна тола етказиб берилди. Янги техника ва илгор технологияни жорий этишдан 243 минг сўм иқтисоди савари олинди.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ экваторидан ошди. Ана шу ўтган йили ярим йилда қўлга киритилган ютуқларини, ечилиш муҳим масалаларини, белгиланган ва ҳал этилган таъбирларини сарҳисоб қилгулек бўлсам, қалбимиз ҳалаямга тўлди. Негаки, қудратли мусобақа тўқимачилик — «Минглар шартномаси» ҳаракати корхоналаримиз ҳаётида катта из қолдирди. Ишчи, инженер-техник ҳодимларимизнинг иқидий гайрати, меҳнат кўтаринки-лиги янада ортиди. Меҳнатга коммунистик мусобақатда бўлиш илтизоми тагин ҳам мустаҳкамланди. Ойлини ва икватр ишлаб чиқариш топшириқларини ошириб бажариш билан бирга толачилар тўқимачиларимиз учун сифатли тола етказиб беришди. Коллективларимиз ана шу йўлдан бориб, биринчи навбатда қомаше етказиб бериш пахтакорлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатмоқдалар.

Социалистик мусобақа — бизнинг сунган тоғимиз. Мусобақанинг амалии ва иқидий формаси бўлган «Минглар шартномаси» мусобақаси тобора кенг қанот ёймоқда. Бу мусобақа қатор корхоналаримиз ҳаминча пешкаш қилмоқдалар. Ана шундай корхоналардан бири Москва пахта тозалаш, заводидир. Завод оғишган муваффақиятлари учун СССР Енгил саноат министрлиги ва тўқимачилик ҳамада енгил саноат ишчилари касаба союзи Марксий Комитетининг кўма Қизил байро

ги билан тақдирланди. Меҳнат Қизил Байроқ ордени Бухоро ҳамда Қўргонтепа пахта тозалаш заводларининг коллективлари ҳам Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрлиги ҳамда тўқимачилик ва енгил саноат ҳодимлари касаба союзи республика комитетининг кўма Қизил байроғи билан мукофотланди.

«Минглар шартномаси» мусобақасига биринчилар қатори қўшилган Мирзачўл деҳқонлари, Андижон область Вўз районидидаги «Партия XX съезди» колхоз, Фарғона область Ўзбекистон районидидаги Рафур Гулом номи колхоз, Самарқанд область, Оқдарё районидидаги «Даҳбед» совхоз, шунингдек, Москва, Ленинск, 2-Қўноқ, Янкабод, Гудоб пахта тозалаш заводларининг коллективлари, «Союзхлопкомаш» бешлашмасининг ҳодимлари, пахта тозалаш давлат маҳсул конструкторлик бюросининг конструкторлари ҳамкорлиқда амалга ошираётган ишлар аниқсиз қувватдан бўлаётди. Улар мусобақада бутун куч ва иқидий гайратларини халқ истеъмол қиладиган товарларини кўплаб ишлаб чиқариш, уларнинг сифатини кескин яхшилаш, социалистик ишлаб чиқариш самарадорлигини бутун қоралар билан оширишга сафарбар этмоқдалар.

ЭРИШИЛАЁТГАН ғалабалар билан бир қаторда, халқ амалга оширилиши керак бўлган қатор вазифалар ҳам бор. Маълумки, бу йилги терим мавсумида қарийб 70 процент пахта ҳосили машиналарда йилга олинади. Шундай экан, бизнинг саноат корхоналаримизда ҳам талай таъбирлар амалга оширилиши керак. Терим машиналарида йилги олинган ҳосилдан тола ажратиб олиш учун катта таъйирилар қўришимиз, машина ва ускуналарини мукаммаллаштиришимиз, корхоналаримиз фаолиятини тақомиллаштиришимиз, ишлаб чиқариш жараёналарини автоматлаштиришимиз даркор. Эскариш ва иш унуми паст, қўриш замон талабларига жавоб бермай қолган ускуналарни аса жадаллик билан модернизация қилиш, асоси ускуналар ўринини янгилаш билан тўлдириб, ички ҳўжалик резервларидан тўла фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Бу борада СССР Енгил саноат министрлигини, иллий-тадқиқот ташкилотларининг ҳодимларидан ва саноат мутахассисларидан бизга амалии ёрдам кўрсатишларини сўраймиз.

Биз ўз корхоналаримизда тола сифатини булдан ҳам яхшилаш учун пахтаини ички маҳсулот тозалашини дадил йўлга қўймоқдамиз. Ҳозир ана шундай янги технология жараёни министрлигимизга қарашли заводларнинг 50 процентиди жорий этилди. Иши унумдор «СБ-10» сушилмасини, модернизация қилинган «ОХП-3Р», «ОХ-2» ва «Х-3» маркали тозалаш агрегатларини ҳамда қайта ишланган ваали жин машиналарини корхоналаримизга кўпроқ ўрнатиб, шу асосда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ҳозирги пайтда машиналарда йилгилан пахта ҳосилини тозалашга мослаштирилган янги хил поток-линии синиб қўрилмоқда. Бу поток-линии пахта тозалаш бўйича давлат технология-конструкторлик бюросининг иқидий конструкторлари яратибди. Юксак унум билан ишлайдиган ва машинани муваффақият-ли синиб қўришда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Электроника институтини қошидаги янги машиналарини яратиб ва конструкторларини қайта ишлаш бўлими олимлари яқиндан ёрдам беришмоқда.

Ўзбекистон пахтаасидан олинмаётган сифатли толалар жаҳоннинг 24 мамлакатга экспорт қилинмоқда. Толаимизга харидор мамлакатлар сон йилдан-йилга ортиб боришти. Шундай экан, аҳолини рағбатланиб, тўзал газламалар билан таъминловчи тўқимачилик корхоналаримиз учун тола ишлаб чиқаришнинг тагин кўпайтиришимиз, унинг сифатини яхшиламоғимиз керак. Эл-юрт биздан шунинг кутмоқда. Биз ўйлаймизки, «Минглар шартномаси» мусобақаси тагин ҳам кенг қанот ёйверади.

ҲАМКОРЛИК НЕЪМАТИ

«Минглар шартномаси»га қўшилган Москва пахта тозалаш заводининг ишчилари, инженер-техник ҳодимлари беш йиллик меҳнат зафарларини нупайтиришти. Корхонада тўқимачилик беш йилликнинг ички йилида қувватли ютуқлар қўлга киритилди. Белгилангандан ун миллион сўмликдан энг маҳсулот реализация қилинди. Бошқача қилиб айтганда, мамлакат тўқимачилик саноати корхоналари пахта тозаловчилардан 70 нагон қўшимча маҳсулот қабул қилиб олдилар. Утган йили Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида завод коллективни КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг юбилей Фахрий ишонни билан тақдирланди.

Маҳсулотнинг 85 процентини давлат стандарт даражасида чиқариш мажбурияти олинган эди. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 98,7 проценти юқори сифатли бўляпти. Шунинг учун ҳам пахта тозаловчилар томонидан таъйириланган тола ва момиққа бўлган талаб тобора ортимоқда. Улар мамлакат тўқимачилик саноати марказларидан ташқари Япония, Германия Федератив Республикаси, Куба, Ливан каби ҳорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинаётди.

Утган йили «Минглар шартномаси» мусобақасининг бир гуруҳа қатнашчилари корхонада бўлишди. Ивановолик машхур тўқувчи, Социалистик Меҳнат Қазрамони Зои Павлова Пухова корхонада ишлаб чиқарилаётган тола ва момиқнинг аҳоли даражада бўлаётганлигига юксак баҳо берди.

Корхонада мусобақанинг олий формаси — коммунистик меҳнат ҳаракати авж олдирилган. 15 та ишлаб чиқариш бригадасига коммунистик меҳнат бригадаси номи берилди. 428 киши коммунистик меҳнат зарбдоридир. Кўплаб бригада ва

«МИНГЛАР ШАРТНОМАСИ» АМАЛДА

ишчилар ана шу юксак номин олиш учун курашяптилар.

Кейинги пайтда 20 юғор ишчи СССР ордени медаллари билан тақдирланди. 1300 ишчи бундан алоқадор. 60 киши марказий қўрут ва санаторияларда дам олди. Германия Демократик Республикаси, Чехословкия, Болгария, Миср Араб Республикаси, Хиндистон, Шри-Ланка давлатларига туристик савҳатга боришди.

Тўқимачилик беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида завод коллективни ўз зиммасига юксак мажбурият олиб ишлайтир. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиб учун фидокорона меҳнат қилиш, шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида пландан ташқари 870 тонна тола, 162 тонна момиқ ишлаб чиқаришди. Бу муваффақиятга Абдуҳамид Абдуҳамидов, Жўрабой Аҳмедов бошлик бригадаларнинг коллективлари бажариш ҳисса қўшдилар.

Беш йиллик планни тўт ярим йилда бажариш ниятида-миз, — дейди завод директори Т. Каримов. — Бунда «Минглар шартномаси» мусобақаси яна маъаддор бўлади.

Т. АБДУСАМАТОВ.

МАМЛАКАТИМИЗДА ҳайрлик ташаббус — «Минглар шартномаси» мусобақаси қанот ёзганга ҳали кўп бўлган йўқ. Бизнинг пахта тозалаш заводимиз коллективини биринчилар қаторида бу ташаббус қўшилган эди. Ҳозир мамлакатимизнинг минглаб тўқимачилари, машинасозлари, пахта тозаловчилари ва кимёгарлари «Минглар шартномаси»га қўшилиб барақали меҳнат қилаётлар.

Сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун нима қилмоқ керак? Ишлаб чиқарилаётган газламаларнинг янада чиروي, бежирми, аҳоли дидага мос, чидамли қилиб чиқариш омилини нимада? Ана шундай масалалар кенг муҳокама қилинган Глухово ил-газлама комбинетида ўтказилган тўқимачилар ва машинасозларнинг йиллик ишчи-мен ҳам катнашганим. Ушунда тўқимачилар машинасозлар, пахта тозаловчилар зиммасига бир қатор масалаларни ҳал этишни оқиллашган эди. Ҳақиқатан ҳам газламаларнинг сифати кўп жиҳатдан пахта, тола сифатига ҳамда илгирчириш ва тўқув машиналарининг меҳорли мукаммаллигига, беҳато ишлайиш боғлиқдир.

«Минглар шартномаси» катнашчиларининг бир гуруҳаси «оқ олтин» диёри бўлган республикамизга таъриф буюрганларда юқорида тилга олинган масалалар,

ЁРҚИН ИЗЛАР

ўтказилган йилги ишларда, учрашларда тақдор ва тақдор муҳокама қилинди. Тўқимачилар пахта-йор районларда бўлиб, миришкор бободарлар билан суҳбатлашди, бир неча пахта тозалаш заводлари ишчиларининг меҳмонини бўлишди. Шартнома катнашчилари республикамиз пойтахтидаги тўқимачилик саноати машинасозлиги заводи мутахассисларига ҳам ўзларининг ҳақли эътирозларини айтишди. Бу учрашувлар барча-миз учун жуда фойдала бўлди.

Шартнома қўшилди ишлайиш-нимизга ички йил бўляпти. Корхонамиз ишчи инженер-техник ҳодимлари шартномада қўрилган шартларни беҳам-қўст бажариш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги техника ва илгор технологияни муттасил ишлаб чиқаришга жўриш эди бориш. Яқинда катта таъбирларини амалга оширдилар. Бу ўзининг яхши натижаларини бера бошлади. Корхонамиз ҳаётида савиларни ўзгаришлар юз берди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш олти ойлик плани ошириб адо этилди.

Пахта тозалаш заводимизда тола ва ливт ишлаб чиқариш жараёналарини тақомиллаштириш, қўл кучига асосланган юмушларни механизациялаштириш борасида ҳам аниқсиз ишлар амалга оширилди.

Толаки пресловчи — «Д-8237» гидпресс ускунасига қўшимча насослар ўрнатиш масаласи аниқдан буён ҳал бўлмай келарди. Гидпрессга «ГЛ-364» маркали қўшимча насослар ўрнатди. Биринчидан, гидпресслар қуввати ошди, иқидидан, толаларини преслов сифати бир мунча яхшиланди. Корхонамиз ана шу рационализаторлик таъйиниш амалга оширилгандан йилга 18 минг 700 сўм иқтисодий савари кўраётди.

Заводимиз иқидор ишчилари иш жараёналарини янада тезлаштириш ва енгиллаштириш борасида тинимли кураш олиб боришмоқда. Биз шу билан фарҳангалар, корхонамизда амалга оширилаётган таъбирлар республикамиздаги барча пахта тозалаш корхоналариди ҳам қўланилаётди. Толаларини преслов олдидан намлиб турувчи механизациялашган қурални иштиро этилди. Бу қуралма биринчи навбатда корхонамизда синиб қўрилди. Синоз мунча муваффақиятларни ўтди. Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги заводимизда туғилган бу янгиликни бошқа пахта тозалаш корхоналариди ҳам қўллаш ҳақида кўрсатма берди. Шу кунда бундай қуралмаларини кўпчилик корхоналарда учратиш мумкин.

Тола тойларини боғлаш ва тикнида енгилли туғдирувчи халқимон транспортёр яратилиб ишга туширилди. Бу рационализаторлик теклири заводимизга йилга 8500 сўм иқтисоди савари беради. Толаларини тойловчи ишчиларимиз қўл меҳнати енгиллашганидан хурсанд бўлишди. Заводимизнинг Усмонов, Мирзоев, Лепешкин ўртоқлар сингари рационализаторлар тола ва ливт ишлаб чиқариш жараёналарини механизациялаштириш, автоматлаштириш устида бош қоткириб қўл енгиллаш жараёналарини тагин ҳам тақомиллаштириш. Буларнинг ҳаммаси унум ташаббусга қўшилди меҳнат қилватилангизимизнинг шарофати, албатта.

«Минглар шартномаси» корхонамиз тараққийида ёрқин излар қолдирмоқда. Ишчиларимизнинг барақали маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган гайрати кундан-кун ортимоқда, тола сифатини яхшилаш бўлган илтилошлари кучаймоқда. Заводимизнинг қайси цех, қайси участкасида бўлган, ҳал қилувчи ил топшириқларини ошириш урдадлаш нияти билан гайрат кўрсатиб тер тўқатган ишчиларимизни кўриб қувонсансиз.

Л. ГИЛЬДУРД,
Қўноқдаги 2-пахта тозалаш заводи бош инженери.

ЎЗБЕКИСТОН УСТАЛАРИНИНГ БУЮМЛАРИ

Калуга бадий буюмлар музейи залларида Ўзбекистон халқ амалий санъати виставаси очилди. Музей экспозициясида қардош республика усталарининг 200 дан ортиқ буюмлари: гиламлар, сопол идишлар, зарб қилинган мис буюмлар, ёғочга наъш солинган буюмлар, зардушлик буюмлари бор. Ташаббуслар кўли гул усталарининг нафис буюмларига юксак баҳо бермоқдалар. (ТАСС).

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

РСДРП II съездининг 70 йиллигига бағишланган Тошкентда илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияни Тошкентдаги шаҳар партия комитетлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги тарихий институт ўтказди.

Конференцияни Тошкентдаги шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский ирош сўзи билан очди.


Область партия комитетининг секретари Б. А. Абдураҳмонов «РСДРП иккинчи съездининг мажмуу-тарихий аҳамияти» тўғрисида, тарих фанлари доктори, профессор Х. Т. Турсунов «РСДРП II съезди ва Ўзбекистонда болшевик ташкилотларининг вужудга келиши» ҳақида доклады қилди.

В. И. Ленин партия турмушининг ташкилий принциплари ва нормаларини ишлаб чиқарилиши тўғрисида, меҳнатшарни коммунист руҳда тарбиялашнинг ҳақиқий негизи марксизм-ленинизм дунёқараш ҳақида, пролетар интернационализмин тўғрисида ва бошқа масалаларда ҳам ахборотлар тингладилар. (ЎзТАГ).

ТОҶИКИСТОНГА, ГАСТРОЛГА

С. Айний номидаги Бухоро область театри коллективи Тоҷикистонга жўнаб кетди. Бухоро артистлари икки ҳафта давомида ўз дўстларига энг яхши спектакллари — «Тоҳир ва Зухро», «Мирза Исҳоқ Хондот», «Нағиз», «Қалб хотираси» спектакллариин намойиш қилдилар, республика шаҳар ва қишлоқларида концерт бердилар.

Тоҷикистон санъат шинавандлари Бухоро театри билан биринчи марта танишайтганини йўқ. Бу — уларнинг бешинчи учрашуви. (ЎзТАГ).



Республикамиз олий ўқув юртида кириш имтиҳонлари бошланди. Суратда: Тошкент Давлат педагогика институтига кириш имтиҳон топшириш пайти. В. Сироткин фотоси.

Фан ютуқлари—ишлаб чиқаришга

ҲОСИЛ ТОШИ

Бегона тупроқ ер семиртиради, дейди халқимиз. Шу бегона бўлса керак, Бухоро воқисаи ва Фарғона водийсидаги деҳқонлар қадим замонлардан бери тоғлар бағридан гилмоия қазиб, экин-зорларга сеппишади. Майда шағал-ғилмоия экин-зорларга лойқа эритма оқибди, ундан ҳосил олган деҳқонларимиз кўпчиликка маълум.

Эски девор ва сула кесакларини ерга соғанда ер кўчиб, деҳқоннинг ҳосилин-ғилмоия қазибди. Ҳуш, бу бегона тупроқнинг ўнг сифатида ишлатилиши тасо-диқий бир нарсани ёки унинг илмий асослари борми? Бор. Чунки бегона тупроқда ўсимлик учун озми-овқат моддалари кўп, вақт ўтши билан унинг структураси яхшиланади, ҳаво алмашиши учун зарур бўлган қувватлар ошган бўлади. Масалан, гилмоия оилалик. У бир неча афзалликларга эга.

Жумладан, гилмоия жуда ҳам майда зарралардан ташкил топган бўлиб, таркибидеги гилмоиялар каттон алмашишуви хосса-сига эга. Ўсимликлар учун энг зарур бўлган ҳусусиятлардан бири шунки, гилмоия яхши адсорбент ҳисобланади, экин учун керакли моддалар тез ютади ва зарур вақтда ўсимликка қайтариб беради.

Мазлумки, гилмоия таркибидеги ўсимликнинг ўсиш учун зарур бўлган 21 та яхши микроэлемент—вазидий, фосфор, марганец, бор, рух, күрғош, молибден ва бошқа элементлар учради. Шу себаб-ли гилмоия солинган ерларда етиштирилган мева-патлатилар, техник экинларнинг ҳосили эса нисбатан юқори бўлади. Гилмоиянинг яна бир ҳусусияти шундаки, у суя ва намлики тез ютади, уни ўсимлик талабига кўра аста-секин қайтариб беради. Бу эса Ўзбеки-стон шароитида ва ойларида сув таъминининг бартараф қилишда иқибий омиллардан бири ҳисоб-ланади.

Хуллас, гилмоия таркибидеги майда гил зарраларининг кўпчилиги, адсорбент ва каттон алмашишуви хосса-си ҳамда унинг наъш ва микроэлемент саклаш ҳусусиятлари республикамиз қишлоқ ҳўжалигини-да ҳосилдорлигини ошириш имко-ниятин беради. Гилмоияни қиш-поқ ҳўжалигинида ишлатиш имко-ниятлари кенг. Чунки у тупроқ структурасини яхшилагича қол-май, яхши мода ўсимлик учун тўйимли озуқа қамидир. Агар биз

республикамиз ташқарисидеги ва чет элларда қўлланаётган гил-моиянинг хосиятига бир назар таш-ласак унинг нақадар фойдали эканлигига яна бир марта ишонч ҳосил қиламиз. Грузиянинг Аскан ва Гумбрин гилмоияси солинган ерларда етиштирилган апельсин, лимон ва узум ўзининг ширин-ша-карлиги ҳамда сарфосиллиги жи-ҳатидан бошқа ердаги мева-патлати-лардан фарқ қилади. Украинада мак-ка-жўри ва эгин экинларининг май-донларига Горбск гилмоияси солин-ганда нисбатан кўп ҳосил етишти-рилганини илмий асослаб берил-ди. Чехословакияда ерларга гил-моия солиниб, картошкадан 10-12 центнер кўп ҳосил кўтаришган. Венгрияда ҳам қумли ва қумлоқ ерларга гилмоия аралаштирилиб қайдаланган. Шундай йўл билан кат-ла майдонлар ҳосилдор экин-зор-ларга айлантирилган. АКШда гил-моия алакачонлардан бўён экин-зорларга солиноқда. Бундан таш-қари гўза чигити гилмоия лойқа эритмасидеги наълаб экин-зорда. Бу ўз нобатида чигитининг тез ўси-би қишқини таъминлайди. Шу билан бирга гилмоиядаги микроэлемент-лар бу нисолларнинг дастлабки қунарларноқ қабулват бўлиб ўси-мишга ёрдам беради.

Фарғона районидаги бир қатор қолхозларда гилмоия солинган ер-нинг ҳар гектаридан 3-7 центнер-гача кўп ҳосил етиштирилди. Шу районидаги Карл Маркс номи-ли қолхозда гилмоиядан фойдаланиш ташаббусини Қирғизистон ССР ўш райони ҳўжаликлари ҳам қўл-лаб-қуватладилар. Ўзбекистон рай-онидеги кўпгина ҳўжаликлари пах-та далаларида Шуғрув гилмоияси-дан ўнг сифатида фойдаланиб келаятирлар.

Умуман, Ўзбекистонда битмас-туғамас заласта эга бўлган гил-моияни қишлоқ ҳўжалигинида кенг қўлланади, ундан самарали фойдаланиш ҳаёт тақозо этмоқ-да. Шундай қилинган тақдирда хо-синдорлик нисбатан ошадди, суғо-риш мўддатлари узаяди, Бухоро ва Тўртқўл кўлига ўрганч атрофи-даги қум босган, қадимдан суғо-рилиб келинган ерлардан яна фойдаланса бўлади.

Ушбу мақолада гилмоия билан бевосита боғлиқ бўлган яна бир муҳим масала устида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Республикамизда ирригация ва

мелиорация ишлари йилдан-йилга кучайиб борапти. Масалан, Тош-кент, Чимкўрғон, Жанубий Су-рхон, Кампирровот, Панжама, Нор-воқ, Аму-Қарши, Марказий На-манган каби улкан сув омборлари ва каналлари қуришди, қуриляпти. Бегона Мирзачўл, Марказий Фар-ғона ва Қарши қўллариин пахта қишқига айлантириш учун умум-халқ кураши давом этмоқда. Ле-кин халқ ирригация, сув ҳўжали-ги қурилиши, ерларнинг мелио-рация ҳолатини яхшилаш соҳи-сида ҳал қилиниш лозим бўлган кўпгина масалалар бор. Янги ер-ларнинг очилиши, аиникса, кей-инги йилларда об-ҳўдонинг ўзгари-б бораётганлиги деҳқончиликка сув таъминининг тўғатилиш масаласини кўп тартибига қўймоқда. Бундан сувини тежиб-тежиб сарфлашнинг аҳамияти гўят катта.

Ўзбекистоннинг айрим ерлари соз ва қумлоқ тупроқлардан, май-да тошлоқлардан ташкил топган. Текширишлар шунки қураётган, ана шу ерлардан ўтган каналлар сувининг бир қисми ер остига шим-иллиб кетади, натижада сувининг оз қисми канал охиригача зўрға етиб боради.

Ота-боболаримиз арик ва ка-налларини тўқмоқда ёрдамчида шиббалаб, сувининг ерга шимил-лишини бир оз бўлса-да, тўғатилиш қорасини кўра билгалармиз. Кейин-ги йилларда олишларимиз су-вининг сиктиб кетишига қарши кура-шиш мақсадида, канал тўғатилиш мақсадида арғимда шиббалаб, бетон плиткалари ёки полимер ма-териаллар билан қоплаш усул-ларини тақдир этишди. Аммо бу тадбир кўп меҳнат талаб қилади ва қимматга тушади. Ҳисоб-китоб-лар шунки қураётган, канал плит-калари билан қоплаган каналларнинг ҳар бир каварат метр 1 сўм ва ундан ҳам қимматга туша-ди. Полимер материаллар билан қоплаган каналда қиммат ва бошқа ўтлар ўсиб, полимери то-да тешиб ўтади ва сувининг шим-илиши давом этаверди. Шундай тақдирда сув шимиллиги қар-ши арзон ва қулай материалларда қўлланадиган мақсадга мувофиқ-дир. Гилмоия ана шундай арзон ва ях-ши самара берадиган хом шиб-лардан биридир.

Агар канал остига ва енга гил-моиянинг юлка қатлами ётиқилиб, унинг усти қум, соз тупроқ ва шиббала билан беритилса, канал ту-ши мусобақалари давом этмоқда. Чавандозлик маҳорати бўйича си-нодан ўттида ўзбекистонлик бир гурупа спортчилар ҳам қатнаш-моқдалар. Жумладан, вакиллари-нидан Д. Темирқалъанин «Гол-ли» лақабини аргументида тўсиқ-лар оша мусобақаларда дуруст на-тижага эришди. У 26,75 очко билан тўртинчи ўринни эгаллади. Чаван-дозлик бўйича уч нураш мусоба-қаларида мосқаллик В. Тишюн «Редленс» лақабини йўрғасида мамлакат чемпиони номига сазо-вор бўлди. Ўзига ҳо бўндай пой-гада марраин иринчи бўлиб эгал-лаган ўзбекистонлик В. Деорини-

нов «Прибой» отида куч си-нашди. Мусобақаларда иштиро-етган ўзбекистонлик ёшлар наъми 1978 очко жағғариб омонда ҳам медални қўлга киритишди. Ваки-лимиз Т. Павлевага бронза медали берилди.

ЎЗГА ХОС СИНОВ

Мамлакатимизнинг қарийб тўн-чи шаҳрида давом этган ёшлар-нинг бутуниттифой ўйинлари ни-ҳосига етди. Бир неча кун ҳўл-лаб турган байроқ туширилди. Спорт майдонлари, стадионлар ва сув бассейналарида қарийб 18 мил-

Самарқанднинг сопол-соз-рассом Х. Худойбердиевнинг қўлидан чиққан буюмлар турли кўрғазмаларда юқори баҳо олган. Нозин иш устаси ҳо-зир лаганга «Саодат» деб номланган расм ишламоқда.

А. Кузьменко фотоси, (ЎзТАГ).



ВДР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

ХАНОН. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг баёнотида бундай дейлади: Вьетнам юзасидан қўшма ахборот имзолангандан бўён 45 кун ўтганлигига қарамай, Нгуен Ван Тхуеу маъмуриятининг уруш-қонлиқ ҳаракатлари сабабли Жанубий Вьетнамда ҳозиргача чинакам тинчликка эришилгани йўқ. Баёнотда Жанубий Вьет-

намда репрессиялар, Қайғон қа-моқхоналарида азоб чекаётган ватанпарварларга нисбатан қаттиқ турма режими давом эта-ётганлиги қўралиб ўтилади. Қўшма Штатлар қўшма ахбо-ротда қўшма тўтилангандек, Вьет-нам Демократик Республикаси територияси осмонда развед-ка парвозларини тўла ва ушл-кесил тўхтатмаганлиги баёнотда таъкидлаб ўтилади.

МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА

ЗАВОД МАҲСУЛОТИ
ЧЕТ ЭЛЛАРГА

Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган пойтахт авторемонт заводи мана тўрт йилдан топи-ширлик планини ошириб бажариб келаятир. Қўшма цехининг лойиҳа қуввати йилга 400 тонна бўлган ҳолда ҳозир шех 678,6 тонна чўян ва рангли металл эртиб бермоқ-да.

Завод коллективининг яна бир муваффақияти экспорт учун эр-тиёт қисмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўлди. Ҳозир завод Узаро Иттифоқий Ердан Кенга-шеининг стандарти бўйича 118 номда эхтиёт қисмлар ишлаб чи-қараятир. Унинг маҳсулотлари Лейпциг ва Позданидаги халқаро ярмаркаларда намоиш этилди. Корхона ўтган йили чет элларга 28 миллион туркилик маҳсулот чиқарди, бу 1971 йилдагига қўра-ганда етти миллион кўндр.

ТУВА ЧУПОНЛАРИ
ТАЖРИБАСИ АСОСИДА

МХР ва Тува АССР меҳнаткаш-ларини ақибий дўстлик алоқалари тўташтириб туради. МХРнинг кўп-гина аймақлари қишлоқ ҳўжалик бирлашмаларининг коллективлари Тувиннинг қорхоналари, ташкилот-лари ва қолхозлари ўртасида ўза-вий алоқа ўрнатилган. Бу алоқа-лар кун сайин муостаҳкамлашиб борамоқда.

Кейинги йилларда уч минг мон-гол граждандари Тувиннинг қагара районидаги даволаш-профилакто-рий муассасаларида медицина ёр-дами олдилар. «Салтанат» қишлоқ ҳўжалик бирлашмасининг аралта-ва А. Арбузовнинг «Таня» спек-такллари ёш томошбинларга жу-да манзур бўлмоқда.

АПН муҳбири.



ФЕСТИВАЛЬ ОДИМЛАРИ

БЕРЛИН. 1 август. (ТАСС мах-сус мухбирлари). Чили халқи ва ёшлари билан бирдамликка ба-ғишланган кўп қишлоқ митинг-фестиваль кеңаги кунининг асо-симиз учун ёш авлодини бириги-ги йўлида янги босқич бўлади. Биз ана шу фестивал қишлоқчи-да кескинлини юмшатиш жараё-ни учун аиникса муҳим, деб ўй-лаймиз.

ГФР немис католик ёшлари соҳиб раисининг ўринбосари, бундаст депутат Герман Кроль-Шлотер бундай дейди:

— Менинг дастлабки таассуро-тим — иқибийдир. Ангола озодлиги халқ ҳаракати ёшлар ташкилоти бюросининг аъзоси Хил Христосово ўз сўзида қўйиқларини айтиди:

— Жаҳон ёшларининг буюк бирдамлигидан биз гўят хурсан-димиз. Бу бирдамлик ана шу фе-стивалда янада кўпроқ муостаҳ-камланади. У галаба қозонганимизга ишонч бағишлайди.

А. ГИРОРЬЕВ,
И. ДЕРБИЛЬЕ,
Б. КРАЕВСКИЙ.

МУЗОКАРАЛАР БОШЛАНДИ

СОФИЯ. БТА агентлигининг хабар беришича, Боньда Бол-гария билан ГФР ўртасида дастлабки музокаралар бошлан-ган. Музокаралар ҳар икки мам-лакат ўртасида элчионалар да-ракасида дипломатия муоса-батлари ўрнатишга бағишлана-ди. (ТАСС).

Редактор ўринбосари
Ж. ЖАББОРОВ.



ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Қуёвон пионер ёш. 19.05 — Кошперт. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Ўш йиллигининг ҳал қилувчи учинчи йил. 20.30 — Шеритил мухлисари. 20.40 — Ахборот. 21.00 — Алишер Навоий (спек-такль). 22.00 — «ВАҲТ». 22.30 — Алишер Навоий (спектаклнинг лаоми) ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Цирк программаси. 11.40 — Уғилбола-гап (бадий фильм). 18.30 — МОС-КВА. 19.00 — Телеочари. 19.30 — Қизил меҳмонхона (бадий фильм). 20.30 — Берлинда Х Бу-тутижаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. 22.00 — Меҳнат вах-тасида (Тошкент). 22.30 — Кош-перт. 23.45 — Берлинда Х Бу-тутижаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.10 — Доктор Абстининг таъри-балари (бадий фильм). 20.45 — Тошкент оперетта театри. 21.15 — Телеспектакл.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИЯ ДРАМА ТЕАТРИ-ДА — 2/VIII да Самандар, 3/VIII Парвона.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Ҳарбий йўл ворислари (10.30, 15.00, 19.30, 20.45, 22.30). Гайдун Ангел саргузашти (12.00, 16.30): — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ». Гроссмейстер — «ТОШКЕНТ СО-ВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (муфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Дача — «СПУТНИК» (муфт соат-ларда). «ЧАЙКА» (кундуз ва кеч-қурун).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — «КҲҚА» (кундуз ва кечқурун). НАВОЙИ номан (10.40, 14.00, 17.20, 20.30).

Ангелина ва қирол (2 серия) — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқу-рун).

Тақияланган ўйинлар — «КОМ-СОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соат-ларда). «МОСКВА» (кундуз ва кеч-қурун).

Илимжанроқ оғорлари — «СПУТ-НИК» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Гайдун Ангел саргузашти (2 се-рия) — КИРОВ номли.

Дача — «ФЕСТИВАЛЬ».

Самовий саргузаштлар — «ХИ-ВА».

ТОШКЕНТ ЭНКАВАТОР

ЗАВОД ҲУЗУРИДА

86-ТОШКЕНТ ШАҲАР

ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1973—1974 ўқув йилига

қўйидаги мухтасасликлар

бўйича

ЎҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металл бўйича тонар. Ўқиш

муддати 1—2 йил. 14—15 ёш

дан қабул қилинади.

Йиғуачи-слесари. Ўқиш му-ддати 1 йил. 15 ёшдан қабул

қилинади.

Электр пайвандчи, электр

қурчилари, иран машинисти.

Ўқиш муддати 1 йил. 17 ёшдан

қабул қилинади.

8—10 синф ҳақида маълум

оти бўлган йиғит ва қизлар

қабул қилинади.

Билим юртига қабул қилин-ганлар текни ётоқхона, 3 ма-

ҳал иссиқ овқат, ийним-кечак

билан таъминланади.

Уқувчилар завод қошидаги

кечки мактабда ҳам ўқишлари

мумкин.

Ўқиш муддати ўзлуқсиз

иш СТАЖИГА ҚУШИЛДИ

Билим юртига кирувчилар

қўйидаги ҳужжатларини топи-ришлари нерат директор но-

мига ёзилган арзоз, тарбияла

хал, туғилганлиги тўғрисида гу-воҳнома ёки паспорт, маълум

оти ханда аттестат, турар

жойидаги справка, ота-оналари

нинг иш жойидаги справка, 6

доња фотосурат (3х4 см), ҳаба-т тертибна.

МАШҲУЛОТЛАР — 1

СЕНТЯБРДАН БОШЛАНДИ.

Мурожаат учун адрес: Тош-

кент-52, Споровная кўчаси, 15

у/й (4, 5 троллейбуслар, 21-ав-

тобуснинг «Экспресс» ва «Вос-

СПОРТ

ХАБАРЛАР

МЕРГАННИНГ МЕДАЛИ

Украина пойтахти Киевда спорт-нинг мерганлиги тури бўйича мам-лакат чемпионати мусобақалари

ниҳондаги етай деб қолди. Турли

калларин спорт илтиқларидан

ертишувларда иштирон этаётган ў-

бекистонлик нишонга олиш уста-си Ю. Тимофеев муваффақият қо-зонди. Мерган йиғит комплекс за-чет мусобақасида жами 239 очко жағғариб, биринчилигини эгаллаш-га муваффақ бўлди. Спортчимиз энди олтин медал тақиб қайтади.

Кумуш ва бронза медаллари эса мусобақанин мажмур турида ло-нинградлик И. Березон билан мо-сквалик А. Соколовларга берилди.

МОСКВА ОЧКОПАРИДА

Пойтахтининг марказий отқола-рида бир неча кундан бери ча-

вандозлик бўйича СССР чемпио-на-

ти мусобақалари давом этмоқда. Чавандозлик маҳорати бўйича си-нодан ўттида ўзбекистонлик бир гурупа спортчилар ҳам қатнаш-моқдалар. Жумладан, вакиллари-нидан Д. Темирқалъанин «Гол-ли» лақабини аргументида тўсиқ-лар оша мусобақаларда дуруст на-тижага эришди. У 26,75 очко билан тўртинчи ўринни эгаллади. Чаван-дозлик бўйича уч нураш мусоба-қаларида мосқаллик В. Тишюн «Редленс» лақабини йўрғасида мамлакат чемпиони номига сазо-вор бўлди. Ўзига ҳо бўндай пой-гада марраин иринчи бўлиб эгал-лаган ўзбекистонлик В. Деорини-

нов «Прибой» отида куч си-нашди. Мусобақаларда иштиро-етган ўзбекистонлик ёшлар наъми 1978 очко жағғариб омонда ҳам медални қўлга киритишди. Ваки-лимиз Т. Павлевага бронза медали берилди.

ЎЗГА ХОС СИНОВ

Мамлакатимизнинг қарийб тўн-чи шаҳрида давом этган ёшлар-нинг бутуниттифой ўйинлари ни-ҳосига етди. Бир неча кун ҳўл-лаб турган байроқ туширилди. Спорт майдонлари, стадионлар ва сув бассейналарида қарийб 18 мил-

лиондан ортироқ йиғит-қиз куч си-нашди. Мусобақаларда иштиро-етган ўзбекистонлик ёшлар наъми 1978 очко жағғариб омонда ҳам медални қўлга киритишди.